

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

779 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 23 майдаги ПК–2992-сон қарорини бажариш ҳамда Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари фаолиятини ташкил қилишнинг сифат жиҳатидан янги тартибни ўрнатиш, ёнғин хавфсизлиги мустаҳкамлигини таъминлаш, ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

юқорида кўрсатиб ўтилган низомларда назарда тутилган вазифалар ва функцияларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин;

ўзининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Азизов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 август,
566-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 566-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 23 майдаги ПҚ–2992-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг тизимини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқлари ва масъулиятини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хизмати бўлинмаларини ташкил этиш ва молиявий таъминлаш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ёнғин хавфсизлиги хизмати деб аталади) одамларнинг ҳаёти ва соғлигини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани, атроф табиий муҳитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш, аҳоли пунктларида, бошқа ҳудудлар ва объектларда ёнғин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикасида давлат ёнғин назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этилган бошқарув органлари, куч ва воситалари мажмуидир.

3. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг фаолияти қонунийлик, бирдамлик, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларига риоя этиш, ҳурмат ва ҳимоя қилиш, очиқлик ва шаффофлик, яққабощчилик, ёнғинларга қарши тезкор ва ўз вақтида чора кўриш тамойилларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

5. Ёнғин хавфсизлиги хизмати тизими қуйидаги асосий бўлинмаларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси (кейинги ўринларда Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси деб аталади);

Ёнғин хавфсизлиги хизматининг тезкор-хизмат фаолиятини таъминлов-

чи, бевосита Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасига бўйсунувчи бўлинмалар (ёнғинни ўчириш куч ва воситаларни бошқариш ва мувофиқлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини ва алоқа, ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлаш, бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказлари, мураккаб ёнғинларни ўчириш бўйича республика ихтисослаштирилган отряди, Навоий КМК ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, хўжалик таъминоти бўлими);

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий ёнғин хавфсизлиги бошқармалари деб аталади) ва алоҳида муҳим объектлардаги (кейинги ўринларда объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бошқармалари);

ҳудудий бўлинмаларнинг тезкор-хизмат фаолиятини таъминловчи бевосита ҳудудий Ёнғин хавфсизлиги бошқармаларига бўйсунувчи бўлинмалар (ёнғинни ўчириш куч ва воситаларини бошқариш ва мувофиқлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа, ёнғин хавфсизлиги тарғибот марказлари, ёнғин-техник лабораториялари, техник-хизмат отряд (қисм)-лари);

туман (шаҳар) ёнғин хавфсизлиги бўлим (бўлинма)лари (кейинги ўринларда ҳудудий ёнғин хавфсизлиги бўлим (бўлинма)лари деб аталади) ва алоҳида муҳим объектларидаги ёнғин хавфсизлиги бўлим (бўлинма)лар (кейинги ўринларда объектдаги ёнғин хавфсизлиги бўлим (бўлинма)лари деб аталади), ушбу бўлим (бўлинма)лар таркибига қўйидагилар:

ёнғинларнинг олдини олиш ва назорат қилиш бўлинма (гуруҳ)лари;

туман (шаҳар), аҳоли яшаш пунктларида ва алоҳида муҳим объектларда ёнғинни ўчиришни таъминловчи ҳарбийлаштирилган ва профессионал қисмлар киради.

6. Ёнғин хавфсизлиги хизмати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланадиган ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолияти ҳусусиятини акс эттирувчи рамзий белгига эга бўлиши мумкин.

2-боб. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қўйидагилар ёнғин хавфсизлиги хизмати асосий вазифалари ҳисобланади:

ёнғинлар профилактикасини ташкил этиш ва ўтказиш;

ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда аҳоли яшаш пунктларида ва бошқа ҳудуд ва объектларда ёнғин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаш;

ёнғинларни ўчиришни ташкил этиш, ёнғин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани қутқариш, шунингдек атроф табиий муҳитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш;

ёнғин хавфсизлиги хизмати булинмалари ходимлари малакасини оши-

риш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш.

8. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ёнғинлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида:

ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилишида иштирок этади;

техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоида ва бошқа ёнғин хавфсизлиги талабларини ўз ичига олган норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида ёнғинга қарши тарғиботни, ўқитишни ва ахборот билан таъминлашни амалга оширади;

ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари ҳисобини юритади;

ёнғин хавфсизлигининг илмий-техник жиҳатдан таъминланишини мувофиқлаштиради;

белгиланган тартибда ёнғин хавфсизлиги соҳасида лицензиялашни амалга оширади ва сертификатлаштиришда иштирок этади;

модда, материаллар, буюм ва асбоб-ускуналарнинг ёнғин хавфсизлигини ҳамда ёнғин-техник маҳсулотларни тадқиқ қилиш ва синаш ишларини ташкил этади ва ўтказиши;

б) ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга ошириш ҳамда аҳоли яшаш пунктларида, бошқа ҳудуд ва объектларда ёнғин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаш соҳасида:

давлат ёнғин назоратини амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги талабларидан асосли равишда четга чиқилган ёки бундай талаблар мавжуд бўлмаган тақдирда бинолар, иншоотларни ва бошқа объектларни қуриш, мукамал таъмирлаш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир лойиҳа ҳужжатларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишига тааллуқли қисмини кўриб чиқади;

қурилиш учун майдонлар (трассалар) танлаш (ажратиш) комиссиясининг, шунингдек қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш комиссиялари ишида иштирок этади;

объектларнинг қўриқланишини, шу жумладан алоҳида муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда (кейинги ўринларда алоҳида муҳим объектлар деб аталади) белгиланган тартибда таъминлайди;

в) ёнғинларни ўчиришни ташкил этиш, ёнғин зонасида қолган одам-

ларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани қутқариш, шунингдек атроф табиий муҳитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш соҳасида:

ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ёнғинни ўчириш техникаси ва бошқа техника воситалари билан жиҳозлаш соҳасида ягона техник сиёсатни амалга оширади;

ёнғинни ўчиришни ташкил этиш, ёнғин хавфсизлиги гарнизон ва смена хизматини олиб бориш меъёрий ҳужжатларини ҳамда ёнғинни ўчириш бўлинмалари фаолиятини белгиловчи ҳужжатларни ишлаб чиқади;

ёнғинни ўчириш куч ва воситаларини жалб этишнинг тезкор ва бошқа режалари ишлаб чиқирилишини ва тасдиқланишини таъминлайди;

техноген хавф, портлаш ва ёнғин хавфи юқори бўлган зоналар (объектлар) бўйича давлат кадастри юритилишини амалга оширади;

барча турдаги ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг ёнғинларни ўчиришга шайлиги ҳолати ва ёнғинлар профилактикасига доир ишларнинг бажарилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

бошқа турдаги ёнғиндан сақлаш хизматлари, ваколатли органлар, авария-таъмирлаш ва бошқа шошилиш хизматлари билан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этишни таъминлаш бўйича ҳамкорликни амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги хизматининг фуқаро муҳофазаси, ёнғиндан сақлаш хизматининг фуқаро муҳофазаси махсус тузилмаларининг жанговар ва сарфбарлик тайёргарлиги тадбирларини ташкил этади, шунингдек фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш тизимида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича функцияларни бажаради;

идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ҳисоботини юритади;

г) ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ходимларининг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш соҳасида:

ёнғин хавфсизлиги хизматининг бошқарув органлари ва бўлинмалари тизимида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишни амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги ва ёнғиндан сақлаш хизмати бошқа турларининг шахсий таркибининг дастлабки касбий, психологик, жисмоний тайёргарлиги ва малакаси оширилишини ҳамда ёнғин амалий спорти ривожлантирилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Халқаро ҳамкорлик бошқармаси воситачилигида ёнғин хавфсизлиги соҳаси бўйича, шу жумладан ёнғин хавфсизлиги хизматининг офицерлар таркибини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласи бўйича хорижий давлатларнинг олий ёнғин-техник таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

3-боб. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

9. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат бошқаруви органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар томонидан ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини давлат ёнғин назорати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларига муайян ҳудудларда ёнғинга қарши алоҳида режим ўрнатиш ҳақида таклифлар киритиш;

аҳоли яшаш пунктлари, ҳудудлар, бинолар, иншоотлар учун ёнғин хавфсизлигининг умумий талабларини белгилаш;

ёнғин хавфсизлиги талаблари мавжуд бўлган техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатларни келишиш;

барча турдаги ёнғиндан сақлаш бўлимлари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартибини белгилаш;

ёнғинни ўчиришда ёнғинлар тарқалган (тарқалиш эҳтимоли бўлган) ва хавф келтириб чиқарадиган жойларга қаршиликсиз кириб бориш, ёнғин кучайишининг (тарқалишининг) ҳамда ёнғин билан боғлиқ бўлган, одамларга, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, атроф табиий муҳитга таҳдид солувчи хавфли омилларнинг олдини олиш мақсадида зарур ҳолатларда эшик, дераза, тўсиқ ва қурилмаларни очиш, шунингдек ёнғинни бартараф этишни таъминлайдиган шароитлар яратиш;

ташкилотлар ва фуқароларда мавжуд бўлган алоқа, транспорт воситаларидан, асбоб-ускуналардан, ёнғинни ўчириш воситалари ва оловни ўчириш моддаларидан кейинчалик ўрни белгиланган тартибда қопланиши шарти билан фойдаланиш;

ёнғин жойларида транспорт ва одамлар ҳаракатлигини чеклаш ёки тақиқлаш ҳамда ёнғинлар ўчирилаётган жойларни қўриқлаш учун тегишли хизматларни жалб этиш;

ёнғинни ўчириш ҳаракатлари амалга оширилаётган ҳудуд чегараларини, мазкур ҳаракатларни бажаришнинг тартибини ва ўзига хос жиҳатларини белгилаш, шунингдек ёнғин чоғида одамларни, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани қутқариш бўйича қарорлар қабул қилиш;

ўз ваколати доирасида барча ташкилотлар ва фуқароларнинг ижро этиши учун мажбурий бўлган, шу жумладан, ёнғинни ўчириш ҳаракатлари амалга оширилаётган ҳудуддаги юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган қарорлар қабул қилиш;

фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган оммавий ахборот воситаларидан ёнғин ҳақида аҳолини тезкорлик билан хабардор қилиш мақсадида бепул фойдаланиш;

ёнғинларни ўчириш, ёнғинлар ва аварияларнинг келиб чиқиши ҳамда кучайишининг (тарқалишининг) олдини олиш билан боғлиқ зарур ишларни амалга оширишда ёнғинни ўчириш мақсади учун табиий ва сунъий сув манбаларидан бепул фойдаланиш.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Ёнғин хавфсизлиги хизмати қуйидагиларга мажбур:

ёнғинни бартараф этиш ва ёнғин хавфсизлиги талаблари бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва чора кўриш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ваколатларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш;

ёнғин келиб чиққанлиги тўғрисидаги хабарни олгач, ёнғин жойига дарҳол мажбурий равишда жўнаб кетиш;

ёнғинлар ўчирилишини белгиланган тартибда ташкил этиш;

ёнғин хавфсизлиги хизматининг давлат ёнғин назорати, профилактика, ёнғинни ўчириш, хизматни ўташни ташкил этиш, молиявий, иқтисодий ва моддий-техника таъминоти бўйича фаолиятни амалга ошириш ишларини такомиллаштириш.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

Ёнғин хавфсизлиги хизматининг мансабдор шахслари ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки талаб даражасида бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

4-боб. Ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш

12. Туман (шаҳар)лар ёнғин хавфсизлиги бўлим (бўлинма)лари бевосита ҳудудий ёнғин хавфсизлиги бошқармаларига бўйсунади.

Алоҳида муҳим объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлим (бўлинма)лари бевосита ҳудудий ёки объектдаги ёнғин хавфсизлиги бошқармаларига бўйсунади.

13. Штатидаги лавозим сафдор, сержант ва офицерлар таркибидан иборат бўлган шахслар (ходимлар) билан тўлдириладиган бўлинмалар ёнғин хавфсизлигининг ҳарбийлаштирилган қисмлари ҳисобланади.

14. Штатидаги лавозимлар махсус унвонларга эга бўлмаган шахслар (хизматчилар) билан тўлдириладиган бўлинмалар ёнғин хавфсизлигининг профессионал қисмлари ҳисобланади.

15. Қуйидагилар ёнғин хавфсизлиги хизматининг бошқарув органлари ҳисобланади:

Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси;

ҳудудий ва объектдаги ёнғин хавфсизлиги бошқармалари;

ҳудудий ва объектдаги ёнғин хавфсизлиги бўлим (бўлинма)лари.

Қайд этилган бошқарув органлари юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекис-

тон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек белгиланган тартибда шахсий газначилик ҳисоб рақамларига эга бўлади.

16. Ёнғин хавфсизлиги хизмати бошқарув органлари бир вақтнинг ўзида давлат ёнғин назорати органлари ҳисобланади.

17. Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази ёнғин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркибини ва бошқа турдаги ёнғиндан сақлаш хизматининг шахсий таркиби бошланғич тайёргарлигини ва малакаси оширилишини амалга оширувчи ёнғин хавфсизлиги хизматининг ўқув бўлими ҳисобланади. Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга ҳамда шахсий газначилик ҳисоб рақамига эга бўлади.

18. Ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлаш маркази мустақил, илмий-техник, тезкор ва тадқиқот бўлими ҳисобланади, ёнғин хавфсизлиги соҳасида илмий-техник жиҳатдан таъминлашни мувофиқлаштириш функциясини амалга оширади.

19. Ёнғинни ўчириш куч ва воситаларини бошқариш ва мувофиқлаштириш марказлари ёнғин тўғрисидаги маълумотларни қабул қилишни, қайта ишлашни, ёнғин хавфсизлиги, шошилиш ва бошқа турдаги ёнғиндан сақлаш хизматларининг, шунингдек ёнғинни бартараф этишга жалб қилинадиган ваколатли органларнинг ёнғинни ўчириш куч ва воситалари ҳаракатини бошқаришни ва мувофиқлаштиришни амалга оширувчи тезкор бўлинмалар ҳисобланади.

20. Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа марказлари ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этувчи бўлинмалар ҳисобланади.

21. Мураккаб ёнғинларни ўчириш бўйича республика ихтисослаштирилган отряди республика ҳудудида мураккаб ва катта ёнғинларни ўчиришга мўлжалланган таркибий бўлинма ҳисобланади.

22. Худудий ёнғин хавфсизлиги бошқармаларига бошлиқлар раҳбарлик қилади ва улар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар Ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг тавсиясига асосан, Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Худудий ёнғин хавфсизлиги бўлим (бўлинма)ларига бошлиқлар раҳбарлик қилади ва улар худудий ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғининг тавсиясига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Худудий ёнғин хавфсизлиги бошқармаларига бўйсунувчи объектдаги

ёнғин хавфсизлиги бўлим (бўлинма)ларига бошлиқлар раҳбарлик қилади ва улар ҳудудий ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлигининг тавсиясига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

23. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг бошқарув органлари ва бўлинмалари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

24. Ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган намунавий тузилмалар асосида ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади.

25. Туман ва шаҳарларда (аҳоли яшаш пунктларида) ёнғин хавфсизлиги бўлим (бўлинма)лари аҳолининг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади.

Ёнғин хавфсизлиги бўлимлари туман ва шаҳарларда (аҳоли яшаш пунктларида) аҳолининг умумий сони 100 минг ва ундан кўп бўлган ҳолатларда ташкил этилади.

Ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари туман ва шаҳарларда (аҳоли пунктларида) аҳолининг умумий сони 100 мингдан кам бўлган ҳолатларда ташкил этилади.

26. Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари аҳоли яшаш пунктларида аҳолининг умумий сони 50 минг ва ундан кўп бўлган ҳолатларда ташкил этилади ва ёнғин хавфсизлиги профессионал қисмлари билан мустаҳкамланиши мумкин.

Ёнғин хавфсизлиги профессионал қисмлари аҳоли пунктларидаги аҳолининг умумий сони 50 мингдан кам бўлган ҳолатларда ташкил этилади.

27. Ёнғин хавфсизлиги бўлим (бўлинма)лари ҳамда ҳарбийлаштирилган ва профессионал қисмлари ташкил этилиши лозим бўлган шаҳарлар ва туманлар рўйхати ҳамда уларнинг штатлари сони Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан аниқланади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

28. Алоҳида муҳим объектларда ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг штатлар сонини белгилайдиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда, манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, ҳудудий ва объектдаги ёнғин хавфсизлиги бошқармалари вакилларида иборат таркибдаги идоралараро комиссияларнинг далолатномалари ҳамда ташкилотлар раҳбарлари томонидан ёнғин хавфсизлиги хизмати билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этилади.

Асосланган ҳолатларда айрим алоҳида муҳим объектларда объектдаги ёнғин хавфсизлиги бошқармалари ташкил этилиши мумкин.

29. Алоҳида муҳим объектларда ёнғин хавфсизлиги бўлимлари объектда иккита ва ундан зиёд қисм ва/ёки ёнғин назорати ва профилактика бўлинмалари мавжуд бўлган ҳолатларда ташкил этилади.

Ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари объектда битта ёнғин хавфсизлиги қисми ва/ёки ёнғин назорати ва профилактика гуруҳи мавжуд бўлган ҳолатларда ташкил этилади.

30. Ҳарбийлаштирилган ва профессионал ёнғин хавфсизлиги қисмларида хизмат экипаж таркибидаги навбатчи сменалар томонидан олиб борилди ва улар мустақил равишда одамларни қутқариш ва ёнғинни ўчириш масалаларни ҳал этувчи асосий тактик бўлинмалар ҳисобланади.

31. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ва хизматчиларининг хизматни ўташ тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланадиган тегишли низомлар билан белгиланади.

32. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг тузилмасига, тасдиқланган штатлар сони ҳамда уларни сақлаш учун ажратиладиган маблағлар доирасида ўзгартиришлар киритади;

шартнома асосида кўрсатилаётган хизматлар учун тушаётган маблағлар ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ички ишлар идоралари ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари ходимларининг қўшимча штат бирликларини киритади;

шартнома асосида кўрсатилаётган хизматлар учун тушаётган маблағлар ҳисобига сақланиб туриладиган ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг штатлар сонига ва тузилмасига ўзгартириш киритади.

5-боб. Ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятининг молиявий ва моддий-техника таъминоти

33. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг бошқарув органлари ҳамда бўлинмаларининг молиявий ва моддий-техника таъминоти, ташкилотлар билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлинмалари бундан мустасно, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ёнғин хавфсизлиги хизматининг ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этилган бўлинмаларининг таъминоти мазкур ташкилотлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ёнғин хавфсизлиги хизматининг бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш, ташкилотлар билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлинмалар бундан мустасно, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёнғин хавфсизлиги хизматининг харажатлар сметалари асосида амалга оширилади.

34. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган ёнғин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби сони Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

35. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг бўлинмалари учун бинолар ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш харажатлари, ташкилотлар билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлинмалар бун-

дан мустасно, тегишли йилга Ўзбекистон Республикаси Инвестиция ва бошқа дастурларида назарда тутилган марказлаштирилган капитал маблағлар лимитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этилган ёнғин хавфсизлиги хизматининг бўлинмалари учун бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари ушбу ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

36. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг бошқармалари ва бўлим (бўлинма)ларининг тасдиқланган штатларига давлат ёнғин назоратини амалга ошириш ҳамда ҳарбийлаштирилган ва профессионал қисмларига раҳбарлик қилиш учун қўшимча лавозимларни киритиш тегишли равишда, ҳарбийлаштирилган ва профессионал ёнғин хавфсизлиги қисмларининг белгиланган штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида, бироқ ушбу бўлинмалар штатларининг тасдиқланган умумий сонининг тўрт фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

37. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг бошқарув органларини ва бўлинмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

38. Объектлардаги ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларини, ёнғиндан сақлаш хизмати ташкил этилиши зарур бўлган объектларда, идоравийларга алмаштирилмасдан тугатилиши тақиқланади.

39. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 566-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб аталади) асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда фаолиятининг ташкил этилишини белгилайди.

2. Бош бошқарма Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратининг мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва Ўзбе-

кистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ёнғин хавфсизлиги хизмати деб аталади) тизимини бошқаради.

3. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

4. Бош бошқарма фаолияти қонунийлик, одиллик тамойилларига мувофиқ амалга оширилади ва режалаштириш асосида, хизмат фаолияти масалаларини ҳал этишда яккабошчилик ва уларни муҳокама қилишда коллегиялик, ўз вазифаларини бажаришда ходимнинг шахсий масъуллигига асосланган ҳолда ташкил этилади.

5. Бош бошқарма юридик шахс ҳисобланади, банкларда шахсий ғазначилик ва бошқа ҳисоб рақамларига, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

6. Ёнғин хавфсизлиги масалаларини, ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятини муҳокама қилиш учун Бош бошқармада комиссия, кенгаш, ишчи гуруҳлар ва бошқа коллегиял органлар ташкил этилиши мумкин.

7. Бош бошқарма маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузуридаги ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссиялар фаолияти юзасидан ахборот-таҳлил ва бошқа материалларни тайёрлаш, умумлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун масъул ишчи орган ҳисобланади.

8. Бош бошқарма белгиланган тартибда ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ хўжалик фаолияти масалаларини ҳал этиш ва экспорт-импорт операцияларини бажариш ҳуқуқига эга.

9. Бош бошқармада иш юритиш ва махфийлик режимини таъминлаш тадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-боб. Бош бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қўйидагилар Бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади: ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимига раҳбарлик қилиш; давлат ёнғин назорати ва ёнғинлар профилактикаси амалга оширилишини ташкил этиш;

ёнғинларни ўчириш, ёнғин ўчириш бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ёнғинларни ўчиришда шошилиш хизматлар ва ваколатли органлар билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш;

алоҳида муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида норматив жиҳатдан тартибга солиш ва давлат чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида лицензиялаш ва сертификатлаштириш;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида ягона илмий-техник сиёсатни ўтказиш;

ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари фаолиятида замонавий илмий-техника ютуқларини, ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган ахборот тизимларини татбиқ этиш;

ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари шахсий таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил этиш, кадрларни танлаш, жойлаштириш ва тарбиялаш тартибини такомиллаштириш;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ва кенгайтириш;

хизмат бўлинмаларини моддий-техник таъминлаш ва ёнғин-техник маҳсулотларига давлат буюртмалари ишлаб чиқилишини назорат қилиш.

11. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимини бошқариш соҳасида:

ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларига ташкилий-методик раҳбарлик қилишни амалга оширади, уни такомиллаштириш бўйича чоралар кўради;

ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари фаолиятини йўналишлар бўйича текширишни амалга оширади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирларнинг бажарилишини назорат қилади, тезкор-хизмат фаолиятининг самарали ташкил этилишида амалий ёрдам кўрсатади;

ёнғин хавфсизлиги хизматининг фуқаро муҳофазаси ишини ҳамда ёнғиндан сақлаш фуқаро муҳофазаси махсус тузилмаларининг жанговар ва сафарбарлик тайёрлигини ташкиллаштиради;

фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш тизимида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича функцияларни бажаради;

Ўзбекистон Республикаси ёнғин хавфсизлиги хизмати фуқаро муҳофазаси тезкор штабини белгиланган тартибда ташкил этади ва унинг ишини ташкиллаштиради;

ёнғин хавфсизлиги масалаларини ҳал этиш ва ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятида ҳуқуқий ва ахборот жиҳатидан таъминлашни амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ишларнинг ҳолатини таҳлил қилади ва ўрганади, уларни такомиллаштириш бўйича чоралар кўради;

ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олишни ташкиллаштиради, шунингдек ёнғинларга доир ахборотларни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш ишларини таъминлайди;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида илғор тажрибаларни татбиқ этиш, умумлаштириш ва ўрганишни амалга оширади ҳамда ушбу ишларни ёнғин хавфсизлиги хизмати бошқармалари органларида мувофиқлаштиради;

муайян мавзуга бағишланган кенгашлар, семинарлар, конференциялар

ташқил этади ва ўтказади, ушбу тадбирлар натижалари бўйича материалларни умумлаштиради ва нашр қилади;

ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг малака талаблари ва касб лаёқатини баҳолаш рейтингини тизимини белгилайди;

ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ва бошқарув органлари фаолиятини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди;

фавқулудда вазиятларда ҳаракат қилиш ва уларнинг олдини олиш тизи-мида ёнғин хавфсизлиги хизмати кучлари ва воситаларига юкланган функ-циялар бажарилишига тайёрлигини назорат қилади;

аҳоли пунктлари ва объектларда ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ташқил этиш масалалари юзасидан белгиланган тартибда хужжатлар тайёрлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

ўз ваколатлари доирасида тасдиқланган харажатлар сметасига асосан ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ва бошқарув органларининг марказлаштирилган ҳолда ресурслар билан таъминланишини ва эҳтиёжларини аниқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тушаётган молиявий маблағларнинг тақсимланишини ҳамда бўйсунувчи бўлинмаларнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилишни амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги талабларини ўз ичига олган стандартлар, нормалар ва қоидаларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади ва келишади;

моддий ресурслар ва пул маблағларининг сақланиши, улардан мақсадли фойдаланилиши бўйича ўз вақтида тегишли чорлар кўради ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий режалаштириш услублари такомиллаштирилишини таъминлайди;

б) давлат ёнғин назорати ва ёнғинлар профилактикасини амалга оширишни ташкиллаштириш соҳасида:

давлат ёнғин назоратини амалга ошириш бўйича ёнғин хавфсизлиги хизмати органи ишларини услубий бошқаришни амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар томонидан ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини ташқил этади ва давлат ёнғин назоратини амалга оширади;

давлат ёнғин назорати мансабдор шахси томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги учун маъмурий жазонинг тўғри қўлланилганлигини назорат қилади;

аҳоли ва ташкилот ишчилари ўртасида ёнғин хавфсизлиги чоралари бўйича тарғибот, объектларнинг ёнғинга қарши ҳолатини таъминлашга мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш ишларининг мақсадли йўналтирилишини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва бошқа

чет эл ваколатхоналарининг сўровига биноан улар томонидан эгаллаб турилган ҳудуд, бино ва иншоотларни белгиланган тартибда текширади;

ёнғинлар юзасидан суриштирув ўтказишда ва дастлабки тергов ишларида кўмаклашади, шунингдек ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши бўйича маъмурий ишларни кўриб чиқади ва керакли маъмурий жазони қўллайди;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, шунингдек ташкилот раҳбарларини идоравий мансуб объектларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати ҳақида ёнғин келиб чиқишга олиб келувчи шароит ва сабабларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида белгиланган тартибда ахборот беради;

қурилиш, мукамал таъмирлаш, қайта қуриш, кенгайтириш ҳамда бино, иншоот ва бошқа объектларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашда ёнғин хавфсизлиги талабларидан асосланган ҳолда чекинишларда ёки белгиланган талабларнинг йўқлигида лойиҳавий ҳужжатларни ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этиш бўйича кўриб чиқади;

комиссиянинг қурилиш учун майдон (трасса) танлаш (ажратиш) бўйича ишларида, шунингдек қурилиши (қайта қурилиши) тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссияси ишларида иштирок этади ва мазкур йўналишда қуйи бўлинмалар ишларини назорат қилади;

бошқа махсус вакил органларининг лицензиат томонидан лицензиявий фаолиятида лицензиявий хизматлар ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этишида белгиланган тартибда иштирок этади;

давлат ёнғин назорати органлари ваколатига кирувчи низоли масалаларни кўриб чиқади ва ҳал этишда қарор қабул қилади;

в) ёнғинларнинг ўчирилишини, ёнғин ўчириш бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ёнғинларнинг ўчирилишида фавқулодда хизматлар ва ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш соҳасида;

ёнғин хавфсизлиги қисмларида сменали ва гарнизон хизмати олиб борилишини ҳамда ёнғинларни ўчириш тартибини ва ташкиллаштирилишини ишлаб чиқади;

катта ва мураккаб ёнғинларни бартараф этишда ёнғин хавфсизлиги хизмати куч ва воситаларини мувофиқлаштириш ва бошқаришни таъминлайди;

техноген хавф юқори бўлган зоналардаги портлаш ва ёнғин хавфи юқори бўлган зоналар (объектлар) бўйича давлат кадастрини юритади;

катта ёнғинларни ўрганади, уларнинг муваффақиятли бартараф этилиши учун шароитлар яратишга, ёнғин хавфсизлиги хизматининг тегишли техника ва ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланишига доир чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

ёнғин хавфсизлиги хизматининг ёнғин ўчириш бўлинмаларининг куч ва воситаларини ва ёнғинларни ўчиришга жалб қилинаётган ёнғиндан сақлаш хизматининг бошқа турлари, шошилинч хизматлар ва ваколатли органлар билан ҳамкорлик тартибини белгилайди;

ёнғин-саф тайёргарлиги бўйича меъёрларни ишлаб чиқади, ёнғин хавф-

сизлиги хизмати шахсий таркибини жисмонан такомиллаштиришда кўмаклашади;

Ўзбекистон Ёнғин-ўчириш амалий спорти федерацияси ишида кўмаклашади;

ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги борасида бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

г) алоҳида муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида:

алоҳида муҳим объектларда ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларини ташкил этиш тартибини ишлаб чиқади;

алоҳида муҳим объектларда давлат ёнғин назоратини режалаштиради ва амалга оширади ҳамда давлат ёнғин назорати органи мансабдор шахслари ишларини бошқаради ва назорат қилади;

ёнғин хавфсизлиги хизмати қуйи тизими бўлинмаларининг касбий тайёргарлиги ва ёнғин ўчириш ҳамда ёнғинлар профилактикаси доирасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ва услубий бошқаришни амалга оширади;

алоҳида муҳим объектларда ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларини ташкил этиш масаласида идоралараро комиссия таркибида иштирок этади;

алоҳида муҳим объектларда ёнғинларни ўчириш бўйича ёнғин хавфсизлиги хизматининг куч ва воситалари шайлигини назорат қилади;

гарнизон куч ва воситаларининг ёнғинларни ўчиришга жалб қилинишини ҳамда ёнғинларни ўчиришга раҳбарлик қилишни ташкиллаштиради;

объектларнинг раҳбарлари, муҳандис-техниклари таркибларини ва ишчи-ходимларини ёнғинларни ўчириш ва профилактикаси масалалари бўйича ўқитиш ишларини ташкиллаштиради;

алоҳида муҳим объектларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати бўйича ахборот-таҳлил материалларини, тезкор-хизмат ва бошқа маълумотларни тайёрлайди;

д) ёнғин хавфсизлигини норматив тартибга солиш ва давлат чораларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш соҳасида:

аҳоли яшаш пунктларида, объектларда ёнғин хавфсизлиги ҳолатини таҳлил қилади ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларга ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритади;

мустақил равишда ёки давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ҳамкорликда ёнғин хавфсизлиги доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан ёнғин-техник маҳсулотларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш бўйича техник регламент лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил этади;

ёнғин хавфсизлиги доирасида давлат дастурларини ишлаб чиқади ва кузатувни амалга оширади;

давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ташкил этилган ёнғин хавфсизлиги комиссияси фаолияти бўйича ахборот-таҳлил ва бошқа материаллар

тайёрланишини, умумлаштирилишини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлайди;

ёнғинга қарши тарғиботни, ёнғин хавфсизлиги доирасида ахборотлар билан таъминлашни амалга оширади ва ташкил этади ҳамда оммавий ахборот воситалари билан белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади;

ёнғин хавфсизлиги хизмати бошқарув органлари ва бўлинмаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тарқатиш тартибини ишлаб чиқади;

нашр қилишда иштирок этади, зарур ҳолатларда касбий илмий-амалий маҳсулотларни чоп этади;

аҳоли яшаш пунктлари ва ташкилотларини ёнғиндан ҳимоя қилиш мақсадида кўнгилли ёнғин ўчириш тузилмаларини ривожлантиришда ва мустаҳкамлашда кўмаклашади;

ваколатли органлар томонидан тасдиқланадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёнғин хавфсизлиги талабларидан иборат ҳужжатлар лойиҳасини келишади;

е) ёнғин хавфсизлиги доирасида лицензиялаш ва сертификациялаш соҳасида:

ёнғин хавфсизлиги доирасида лицензия ва сертификатлаштириш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

ёнғин-техник маҳсулотларини сертификатлаштириш ва синовдан ўтказиш ҳамда моддалар, материаллар, маҳсулотлар ва ускуналарни ёнғинга хавфлилигини тадқиқ этиш ишларини олиб боради;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни ташкил этади ва уларнинг ишида қатнашади;

ж) ёнғин хавфсизлиги ягона илмий-техник сиёсатини ўтказиш соҳасида:

ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари учун ёнғин хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган илмий-техник маҳсулотларга эҳтиёжларни ҳамда илмий-тадқиқот ишлари ва ишланмаларнинг асосий йўналишларини аниқлайди;

ёнғин хавфсизлиги доирасида илмий-техник маҳсулотларга давлат буюртмачиси функциясини бажаради ва ушбу соҳада илмий тадқиқотларни мувофиқлаштиради;

ёнғин хавфсизлиги муаммолари бўйича давлат, мақсадли ва илмий-техник дастурларни татбиқ этишда иштирок этади;

илмий-техник ишланмалар ва хизматлар бўйича хўжалик-шартномавий фаолиятни амалга оширади;

з) ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг фаолиятида илмий-техник ютуқларни, ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган маълумотлар тизимини татбиқ этиш соҳасида:

ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларини ахборот-коммуникация технологиялари масалалари бўйича норматив, технологик ва ахборот-таҳлил материаллари билан таъминлайди;

идоравий ахборот ресурсларини ва ахборот тизимини ҳимоялаш бўйича

техник инфратузилмани татбиқ этади, ривожлантиради ва такомиллаштиради;

замонавий ахборот технологияларини, дастурий маҳсулотларни, маъмурий иш тартибини, маълумотларга ишлов беришнинг аппарат воситаларини, алоқа ва маълумотларни узатиш воситаларини қўллаш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

компьютер хатарларининг олдини олиш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлинмалари билан ҳамкорликда иш олиб боради;

ёнгин хавфсизлиги хизматининг ахборот, автоматлаштирилган, телекоммуникация тизимлари, алоқа воситалари, ахборотни ҳимоя қилишнинг махсус техника ва техник воситалар билан таъминланганлик ҳолати мониторингини юритади;

и) шахсий таркибни танлаш тартибини такомиллаштириш, кадрларни тарбиялаш ва жойлаштириш, малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини ташкил этиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Кадрлар бош бошқармаси билан ҳамкорликда ёнгин хавфсизлиги хизматининг бошқарув органлари тизими ва бўлинмаларида кадрларни танлаш ва жойлаштириш тартибини белгилайди;

бошланғич, касбий ва психологик тайёргарлик ўтказишни, шунингдек ёнгин хавфсизлиги хизмати ва ёнгиндан сақлаш хизматининг бошқа турлари шахсий таркибининг малакасини оширишни ташкил этади;

ёнгин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари шахсий таркибининг хизмат ва ижро интизомига риоя этишини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги соҳасида ўқув муассасаларига эҳтиёжни аниқлайди ва номзодлар танлашни назорат қилади;

дастурий-услубий таъминотни амалга оширади, шунингдек ёнгин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибининг касбий тайёргарлиги режасини ва дастурини ишлаб чиқади;

Дастлабки тайёрлаш ва малака ошириш марказига раҳбарлик қилади; ёнгин-техник мутахассислигига ихтисослаштирилган билим юр்தларининг ўқув жараёнида дастурий-услубий таъминотга кўмаклашади;

к) ёнгин хавфсизлиги йўналишида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ва кенгайтириш соҳасида:

ўзининг фаолиятида ёнгин хавфсизлиги соҳасини амалга ошираётган хорижий давлатларнинг махсус органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилади, умумлаштиради ва уларнинг ижобий тажрибаларини татбиқ этиш бўйича таклифлар киритади;

ёнгин хавфсизлиги соҳасида халқаро тажрибалар ва мутахассислар алмашинуви, шунингдек ёнгинга қарши замонавий тизим ва воситаларни татбиқ этиш борасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш бўйича фаолиятни белгиланган тартибда амалга оширади;

ёнгинни ўчириш амалий спорти йўналиши бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширади, халқаро мусобақа ва чемпионатларда иштирок этади;

л) ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларини моддий-техник таъминлаш ва ёнғин-техник маҳсулотларига давлат буюртмаларини бажариш соҳасида:

ёнғинни ўчириш техникаси ва ёнғин ўчириш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш доирасида ягона техник сиёсатни амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги хизмати учун зарур бўлган асосий, махсус, ёрдамчи ва бошқа техникалар, махсус кийимлар, ёнғин-техник маҳсулот ва асбоб-ускуналар, ташкилий техника ва бошқа товар-моддий бойликлар, бино ва иншоотларнинг ҳисобини олиб боради ва ҳолатини таҳлил қилади;

ўз ваколати доирасида ёнғин хавфсизлиги хизмати базасини моддий-техник жиҳозлаш ва мустаҳкамлаш бўйича дастурлар бажарилишини таъминлайди;

ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг ёнғинни ўчириш техникаси, ёнғин-техник асбоб-ускуналари, алоқа воситалари, бино ва иншоотларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ишларини режалаштиришни амалга оширади;

товар-моддий бойликларни харид қилиш, ҳисобини юритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини белгилайди;

ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ва бошқарув органларига техникалар ва бошқа товар-моддий бойликларнинг амалда ва манзилли келиб тушиши назоратини амалга оширади;

ёнғин ўчириш техникасидан фойдаланиш, уни таъмирлаш ва ишлатиш билан боғлиқ техник ва ташкилий масалалар бўйича вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга кўмаклашади;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилаётган ёнғин-техник маҳсулотлари сифатини назорат қилишни амалга ошириш бўйича қабул қилиш комиссиялари ишларини ташкиллаштиради ҳамда уларнинг ўз вақтида етказиб берилишини амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимидаги рационализаторлик ва ихтиро фаолиятида кўмаклашади;

ёнғин хавфсизлиги хизматини воситалар билан марказлаштирилган тарзда техник таъминлашнинг ўзлаштирилишини таъминлайди.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Бош бошқарма тузилмаси

12. Бош бошқарма тузилмасига қуйидагилар кириди:

Касбий тайёргарлик ва ёнғин ўчирилишини ташкил этиш бошқармаси;

Ёнғин назорати ва профилактикаси бошқармаси;

Алоҳида муҳим объектларда ёнғин хавфсизлигини ташкил этиш бошқармаси;

Ахборот-таҳлил бўлими;

Кадрлар бўлими;

Ҳарбий сафарбарлик бўлими;
Молия-иқтисодиёт бўлими;
бош юрисконсулт.

13. Бош бошқармага мураккаб ёнғинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряд, Навоий КМК Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, Хўжалик таъминоти бўлими, шунингдек мақомига кўра бошқармага тенглаштирилган марказлар (Ёнғинни ўчириш куч ва воситаларини бошқариш ва мувофиқлаштириш маркази, Ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлаш маркази, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа маркази, Дастлабки тайёрлаш ва малака ошириш маркази) бевосита бўйсунди.

14. Бош бошқармага бошлиқ раҳбарлик қилади, уни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан амалга оширилади.

Бош бошқарма бошлиғининг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Бош бошқарма бошлиғи бир вақтнинг ўзида лавозими бўйича давлат ёнғин назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспектори ҳисобланади.

Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланади.

4-боб. Бош бошқарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

15. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ёнғин хавфсизлиги доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва киритиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқаролар томонидан ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши бўйича назоратни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли ҳудудларда ёнғинга қарши алоҳида режим ўрнатилиши тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиш;

аҳоли яшаш пунктлари, ҳудудлар, бино ва иншоотлар учун ёнғин хавфсизлигининг умумий талабларини белгилаш;

ёнғин хавфсизлиги талабларини ўз ичига олган техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатларни келишиш;

барча турдаги ёнғиндан сақлаш бўлинмалари томонидан ёнғинларни ўчиришни ташкиллаштириш тартибини белгилаш;

бош бошқарма ваколатига тааллуқли масалалар бўйича фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш;

ёнғинлар тўғрисида аҳолини тезкор хабардор қилиш мақсадида, фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган оммавий ахборот воситаларидан бепул фойдаланиш.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

16. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

5-боб. Бош бошқарма бошлигининг асосий ваколатлари

17. Бош бошқарма бошлиғи ўз ваколати доирасида:

Бош бошқарма ва бевосита ўзига бўйсунувчи бошқарма ва бўлинмалар органларининг фаолиятини бошқаради, ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Бош бошқармага юкланган масала ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ёнғин назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини қонунчиликка мувофиқ белгилайди;

давлат ёнғин назорати органи ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ваколатли органлар билан ҳамкорликни ташкиллаштиради;

ўз ваколати доирасида буйруқлар ва бошқа норматив ҳужжатлар чиқаради, уларнинг бажарилишини назорат қилади;

ёнғин хавфсизлиги талаблари, стандартлари, нормалари ва қоидалари бузилишини бартараф этиш учун барча ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради, давлат ёнғин назорати органи ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалаларни ҳал этиш бўйича мустақил қарорлар қабул қилади;

Бош бошқармага, унинг ҳузурида ташкил этилган бошқарув органи ва бўлинмаларига кадрларни танлаш ва жойлаштиришни, уларнинг касбий тайёргарлигини, улар томонидан қонунчиликка ва хизмат интизомига риоя этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига Бош бошқарманинг штати ва тузилмаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

Бош бошқарма, шунингдек унинг ҳузурида ташкил этилган бошқарув органлари ва бўлинмалари шахсий таркибини (Бош бошқарма ўринбосаригача) ишга қабул қилади, лавозимга тайинлайди, бошқа ишга ўтказди, эгаллаб турган лавозимидан четлатади, белгиланган тартибда ишдан бўшатади;

бош бошқарма ва унинг таркибида ташкил этилган бошқарув органлари ва бўлинмалари шахсий таркибига меҳнат таътили беради;

бош бошқарма бўлинмалари ва унинг таркибида ташкил этилган бош-

қарув органлари ва бўлинмалари тузилмалари тўғрисидаги низомларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига тасдиқлаш учун киритади;

бош бошқарма ва унинг таркибида ташкил этилган бошқарув органлари ва бўлинмалари шахсий таркибини аттестациядан ўтказиши;

бош бошқарма ва унга бевосита бўйсунувчи бошқарув органлари ва бўлинмалар шахсий таркибига навбатдаги махсус унвон бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига таклифлар киритади;

рағбатлантириш масаласини, шу жумладан давлат ва идоравий мукофотларга тақдим этишни, Бош бошқарма, бевосита бўйсунувчи бошқарув органи ва бўлинмалари ходимларига интизомий жазо беришни кўриб чиқади, шунингдек мазкур масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига таклифлар киритади;

идоравий кўкрак нишонлари билан белгиланган тартибда тақдирлайди;

ёнғин хавфсизлиги хизматида ажратилган молиявий (шу жумлада валюта) маблағлар ва моддий захираларни белгиланган тартибда тасарруф этади, фуқаролик-ҳуқуқий, меҳнат ва бошқа шартномаларни тузади;

ёнғин хавфсизлиги хизмати бошқарув органи ва бўлинмаларининг иши юзасидан назоратни ташкил этади, назорат, текшириш ва хизматга оид бошқа масалаларни ҳал этиш мақсадида Бош бошқарма ходимлари ва хизматчиларини хизмат сафарига юборади;

ҳудудий ва объектдаги ёнғин хавфсизлиги бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларининг лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилишини келишиди;

республика ваколатли органларда ва бошқа ташкилотларда, шунингдек халқаро ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги ва хизмат фаолияти масалалари бўйича ёнғин хавфсизлиги хизмати номидан вакиллик қилади.

18. Бош бошқарма ходимларининг штат жадвали, лавозимлари ва уларга тегишли махсус унвонлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

6-боб. Бош бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш

19. Бош бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

31 (791)-сон

— 119 —

779-780-моддалар

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 566-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙҲАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Туманлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 10 июндаги 200-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 53-модда).
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 июндаги 267-44-сон қарори.